O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 2 март жума

Сотувда эркин нархда
№ 46 (2608)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЎРТА ВА КИЧИК БИЗНЕС: ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, кенгаш раиси Р.Азимов бошқарди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Тадбиркорларни комплекс ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг асосий мазмуни тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини улар фаолиятининг барча босқичларида — рўйхатга олишдан бошлаб, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ҳокимликлар, солиқ ва бошқа назорат органлари билан муносабатларда ҳимоя қилиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминловчи ишончли тизимни яратишдан иборат. Тадбиркорларни расмиятчилик ва бошқа салбий ҳодисалардан ҳимоя қилишни кучайтирувчи қўшимча тадбирларга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадбиркорларни комплекс ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда тасдиқланди.

Йиғилишда, шунингдек, "2001 йилда Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар мажмуи" ва уни амалга ошириш бўйича ташкилий тадбирлар режаси кўриб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

2001 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар мажмуининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— тадбиркорлик субъектларининг асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларини тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялашни 101 миллиард сўмга кўпайтириш;

— банкдан ташқари муқобил молиялаш манбаларини ривожлантириш, низом жамғармасига бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли ресурсларидан маблағ ажратиш ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларининг дастлабки сармоя жамғармаларини тузиш (уларнинг умумий молиялаш суммаси 5,07 миллиард сўмни ташкил этади);

— кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 94 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

— фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонини 2001 йил охиригача 12 фоизга ошириш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 22,9 фоизга етказиш;

— кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобидан камида 158 минг янги ишчи ўринларини яратиш.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў.Исмоилов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилиши

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.***

Йиғилишда ҳарбий қурилишнинг долзарб масалалари, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доир муҳим чоралар, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўпорувчи-террорчи гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган таҷовуздан ва бошқа жиноий таҳдидлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга доир вазифалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳудудларига жиноятчи тўдаларнинг ҳарбий таҳдидлари такрорланишининг сабаби, авваламбор наркотик кўлами кенгайиши ва минтақада диний экстремизмнинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар кўрилишини тақозо этмоқда. Бундай шароитда мамлакатнинг ягона мудофаа тизимини, қўшинлар, ҳарбий қисмлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг ишончли механизмларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

2000 йилнинг ёз-куз мавсумларида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларига суқилиб кирган террорчи жиноятчилар тўдаларини тўхтатиш ва йўқ қилиш борасида олиб борилган операциялар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий округлар қўмондонлиги, ҳарбийлаштирилган вазирликлар ва идоралар олдига мамлакат Қуролли Кучлари қўшилмалари ва қисмларининг ҳарбий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, уларни замонавий қурол ва техника билан таъминлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлай оладиган тезкор ва профессионал тайёргарлик кўрган бўлинмаларни шакллантириш масалалари қўйилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

## Аълочи қиз НАРГИЗА

*«Киприк кўзнинг бадиий раҳбари, бамисоли томошадан кейин ёпилган парда. Ана шу парда ёпилгач, саҳна ортида бўлаётган томошадан томошабинлар бенасиб қолишади ва шу парданинг очилишини интизорлик билан кутишади».*



Бу Наргиза Тўхлиеванинг «Киприк» номли қатрасидан. Бугунга қадар Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейидагина машҳур бўлган Наргизани бугун Ўзбекистон танийди. Сабаби, у Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Тўғри, Наргизани бир қарашда тенгқурларидан ажратиш қийин. Ҳамсабоқлари қатори аълочи, жамоатчи. Унинг бошқалардан фарқли томони адабиётни севади, ўзи ҳам ҳикоялар машқ қилади, турли тадбирлар, бадиий кечалар учун сценарийлар ёзади. «Болалигим — пошшолигим» китобининг муаллифи.

—Юздан ортиқ даъвогарлар ичида ғолиб бўламан деб ўйламагандим, — дейди Наргиза. — Балки, онажоним дуолари қўллагандир.

Наргизанинг самимий боқувчи кўзлари қувончдан порлайди. Мен эса ҳавас билан боқаман: ҳозирги ёшлар нақадар бахтли. Мустақил Ватан оғушида, барча имконият эшиклари очиқ. Ана шундай шароит иқтидор камоли учун илк омилдир.

— Биз бугун хорижга — энг тараққий этган мамлакатларга бориб ўқишни ҳавас қиламиз, — дейди Наргиза. — Даврлар келади: Ўзбекистон жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади ва хорижликлар учун Ўзбекистонда ўқиш эҳтиёжга айланади. Биз шундай кунга етамиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Яхшидир аччиқ ҳақиқат!

## ТОМИ КЕТГАН КОЛЛЕЖ

***Шамол дегани ўз оти билан шамол-да. Тутқич бермаса, ихтиёри ўзида бўлса... Нимани хоҳласа, шуни қилса.... Қаранг, шу йил 15 феврал куни оқшом палласида уч қаватли Қарши политехника коллежи биноси томининг бир қисмини (хайриятки, ҳаммасини эмас) шамол учириб кетди. «Қаршисаноатуйжойқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 3-механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари эрта-индин уни давлат қабул комиссиясига топширамиз деб туришган эди... Ҳай, аттанг-а. Йўқ жойдан ишкал чиқиб турса-я. Томни қайта ёпиш учун 72 соат вақт, қанча материал керак бўлишини айтмайсизми?***

Хўш, бу дўппини бошдан олиб қўйиб ўйлашга арзийдиган воқеами, йўқми? Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида қурилиш комплексида «ислоҳотлар жараёни ўта суст, юзаки ҳолда бормоқда. Кўпинча амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг асл моҳиятини ижрочиларнинг ўзлари ҳам охиригача тушуниб, англаб етмаяпти. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, кўпинча ишнинг бевосита мазмун-моҳияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турибди, бу ўзгаришлар хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услубларини жорий этишга олиб келмаяпти», деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Демак, «Қаршисаноатуйжойқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчилари ишининг шамол туфайли чиппакка чиқишининг асл сабаби бошқа ёқда. Шамол ўз йўлига. Биз эса нега ислоҳотлар жараёни ўта суст бораётганлиги, нима учун бу борада юзакичиликка йўл қўйилаётганлиги, бошқарув тузилмаси, шакли ўзгарган бўлса-да, ҳамма нарса эски ҳаммом, эски тослигича қолаётганлиги, бу эса иш суръати ва энг асосийси — сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги хусусида мулоҳаза юритсак, фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз.

Савол туғилади: қурувчилар нега қўл учида ишлашади? Нима учун қурилиш ишлари лойиҳада кўзда тутилганидек бажарилмайди? Масалан, шамол томни учирмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди. Агарда материаллар «тежаб» қолинмаганда. Жавоб эса оддий: қурувчида ҳам рўзғор, бола-чақа бор. Маошни вақтида олмаса, нима қилсин? Хўш, нега қурувчиларга иш ҳақи вақтида берилмайди? Қўлимиздаги маълумотларга кўра, шу йил 17 феврал ҳолати бўйича «Қаршисаноатуйжойқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақидан қарздорлик 49 миллион 527 минг сўмга етган. Биргина механизациялашган қурилиш бошқармаси (шўъба корхонаси)да эса бу кўрсаткич 13 миллион 339 минг сўмга тенг. Бошқарма бошлиғи Шокир Ҳайдаровнинг гувоҳлик беришича, 8 ойдирки, одамларнинг қўлига маош тегмайди. Тўғри, яқинда 2000 йил сентябр ойи учун ҳар бир кишига 4 минг сўмдан аванс тарқатилибди.

— Бу нима бўлади? — дейди бошқарма ҳайдовчиси Шоди Равшанов.

Президентимизнинг 2000 йил 10 июлдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сонли Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 347-сонли қарори талаблари бажарилмаса, раҳбарнинг фаолиятига қандай баҳо бериш керак?

— 167 миллион сўмлик дебиторлик қарзимиз бор, — дейди жамият бошқаруви раиси Хайрулла Хуррамов. — Қарши шаҳрида қиймати 80 миллион сўмлик чойхонани қуриб битказдик, «Насаф» клубида 44 миллион сўмлик юмушни адо этдик. Бошқа объектларда ҳам қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажардик. Аммо бу ишларимиз учун ҳозиргача пул ололганимиз йўқ. Натижада иш ҳақидан қарздор бўлиб қолдик.

Корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келадиган, қонун талабларига зид ҳолда айланма маблағларни белгиланмаган тартибда тасдиқланмаган, қурилишларнинг аниқ рўйхатига киритилмаган объектларга жалб этиш тақиқланганлигини, бу ишнинг оқибати хунук бўлишини наҳотки у билмаган, тушунмаган? Бундай дейиш гўллик бўларди.

Жамиятда номинал қиймати 5000 сўмлик 9400 дона, яъни 47 миллион сўмлик акция чиқарилган. Бу акциялар бир йил муддат ичида жойлаштирилиши керак эди. Ҳозиргача 12 миллион 220 минг сўмлик акция сотилган. Эркин савдода сотилиши керак бўлган 24 фоиз оддий акция, чет эл инвесторларига сотилиши мўлжалланган 25 фоиз акция эса ҳали эгасини кутиб турибди. Нега? Сабаби аён: жамият фойда билан ишласа, унинг акциясига харидор чиқади-да.

— Акциялар йилнинг охирида сотилди. Шунинг учун акциядорларга дивиденд берилмади, — дейди Хайрулла Хуррамов.

Жамият бошқаруви ихтиёрида 1 та «РАФ», 2 та «ГАЗ-3110», 1 та «ВАЗ-09», 1 та «Москвич», 1 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари бўлиб, улардан фойдаланилганлиги учун шу пайтгача тўланмаган ҳақ 9 миллион 101 минг сўмга етди. Улар учун эса эҳтиёт қисмларга, ёнилғи-мойлаш материалларига ҳамиша маблағ ажратилади. Масалан, жамият бошқарувидаги транспорт воситалари учун бултур 52480 литр бензин сарфланган. Аммо қурилишда фойдаланиладиган транспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар олишга бор-йўғи 8 миллион сўм ажратилган. Бу белгиланган сумманинг 2,5 фоизини ташкил этади, холос. Бу аҳволда қурилишни механизациялаш, иш сифати ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Мана энди, Қарши политехника коллежи биноси томининг нима учун шамолга дош беролмаганлиги сабабини бир қадар англагандирсиз? Қурувчиларнинг «кун ўтса бўлди» ёки «қўлдан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлашларининг боиси ҳам сал-пал ойдинлашди. Ҳамма бало шундаки, ном, шакл ўзгарса-да, мазмун-моҳият ўзгармаган. Акциядор ўзини мулк эгаси деб ҳис қилмайди, ҳақ-ҳуқуқини билмайди.

Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, бош пудратчи билан буюртмачи ўртасидаги шартноманинг 6-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси томонидан «Қаршисаноатуйжойқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 3-механизациялашган кўчма жамланмаси раҳбариятига эътирознома юборилган ҳамда жарима солинган эди. Афсуски... ўзгариш бўлмади. Шундай экан, эртага бошқа ишкал чиқмайди, деб ким кафолат бера олади?

Президентимиз уқтирганидек, «Агар, айтайлик, қурилишда мулкчилик масаласи амалда ҳал қилинмаса, хусусий ёки ҳақиқий ҳиссадорлик мулки асосида пудратчи қурилиш ташкилотлари тузилмаса, пудрат ишлари дастурларини шакллантириш ва буюртмалар бериш тамойиллари ўзгартирилмаса, моддий-техникавий таъминот муаммоси тубдан ҳал этилмаса, бажарилган ишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар бозор талаблари асосида ечилмаса, табиий, бундай ҳолатлар бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш борасида олиб борилаётган барча ишларимизнинг қадр-қимматини тушириб, мутлақо обрўсизлантириб қўйиши мумкин». Ўйлаймизки, бошқа гап ортиқча. Мутасадди раҳбарлар Юртбошимизнинг бу топшириғини дилга жойлаб олишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Гап шундаки, вилоятда акциядорлик жамиятига айлантирилган бундай қурилиш тресты ягона эмас. Қолаверса, қурилишлар кўлами ҳам оз эмас. 2001 йилда биргина касб-ҳунар коллежларидан 13 таси қурилиши керак. Бу қурилишларни кимлар амалга оширади? Биз тилга олганимиз «трест-жамият» қурувчиларими?.. Янги қурилажак биноларнинг томи кетмайдими? Шубҳа йўққи, эскичасига ишлаш турган-битгани зарар эканлигини ўз вақтида англаб олиш, соҳада туб ўзгаришлар бўлишига эришиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мамлакатимизда — Ер юзида

## Пайшанба хабарлари

Янгиликлар, Воқеалар, Далиллар,

### Тўйга тараддуд кўрилмоқда

*Сурхондарёда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик авжида. Шу боис ушбу санага бағишлаб альбом, тақвим билан бир қаторда бежирим уй-рўзғор буюмлари — совғалар тайёрлашга киришилди. Воҳанинг тарихи, осори-атиқалари, қадимий маданияти, шунингдек, мустақиллик йилларида турли жабҳаларда эришилган ютуқларини акс эттирувчи телекўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратишга ҳам келишиб олинди.*

### Меваларимиз украинлар дастурхонида

*Киевда «Асака савдо уйи» фаолият кўрсата бошлади. «Асакасавдо» ҳиссадорлик жамиятининг саъй-ҳаракати билан очилган мазкур дўконда мамлакатимизда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари, қуритилган сархил мевалар, хилма-хил консервалар сотилмоқда. Серқуёш диёримиз маҳсулотлари киевликларга ғоят манзур бўлаётир.*

*Икки томонлама тузилган шартномага кўра, Асакага турли ўлчамдаги темир қувурлар етказиб берилади.*



### «Она ва бола» сервизи

*Қувасойлик чинnisозлар «Оналар ва болалар» йили муносабати билан қатор тадбирлар дастурини ишлаб чиқишди. Ҳиссадорлар жамиятида «Она ва бола» деб номланадиган сервизлар туркумини тайёрлаш юзасидан лойиҳа конструкторлик бўлимига буюртма берилди.*

*Янги сервиз Ангрендаги «Каолин» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган хом ашёдан тайёрланади. Пиёла, чойнак, товоқ, тарелкаларга фақат она-бола муносабатини ифодаловчи расмлар солинади. Энг муҳими, янги маҳсулот кундалик ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан 20-25 фоизга арзон бўлади.*

*«Она ва бола» сервизининг нишона нусхаси жамиятнинг бадиий кенгаши томонидан маъқулланиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.*



Пойтахтда

### Йўллар равон бўлади

Тошкент шаҳрининг кичик ҳалқа йўли қурилиши давом этмоқда. Узунлиги 32 километрга чўзиладиган ва қарийб тўққизта туманни бир-бири билан боғлайдиган ушбу йўлнинг биринчи навбати мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Учта йирик туман — Мирзо Улуғбек, Ҳамза ва Мирободга белбоғ бўлиб тушувчи ушбу иншоотнинг узунлиги 6,8 километрни ташкил этади. Пудратчилар — «Тошшаҳарйўлқурилиш», «Кўприкқурилиш» ва «Паркентсувқурилиш» трестларининг бўлинмалари қурувчиларининг ғайрати баланд. Кичик ҳалқа йўли биринчи навбатининг фойдаланишга топширилиши эса шаҳар транспортида тўхтовсиз ҳаракат жараёнини таъминлаш билан бир қаторда, йўл транспортида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.



### Кореядан сўнг Вьетнамга

*Кеча Россия президенти Владимир Путиннинг Жанубий Кореядан сўнг Вьетнамга расмий ташрифи бошланди. Хабарларга қараганда, томонлар икки мамлакат ўртасидаги анъанавий муносабатларни яхшилаш ниятидалар. Ташриф давомида икки давлатнинг стратегик ҳамкорлиги бўйича қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, президент В.Путин Вьетнам мулозимлари билан Россиянинг Камраниядаги ҳарбий денгиз базасининг тақдири борасида музокаралар ўтказмоқчи. Ушбу ҳарбий базанинг ижара муддати яна уч йилдан сўнг ниҳоясига етади.*

### Офатдан Билл Гейтс омон қолди

*Куни кеча АҚШнинг шимолий-ғарбий ҳудудларида кучли ер силкиниши рўй берди. Хабарларга қараганда, табиий офат натижасида Сиэтл шаҳри катта зарар кўрган. Ўнлаб осмонўпар бинолар вайрон бўлган. Зилзила Рихтер шкаласи бўйича 7 баллни ташкил қилган бўлиб, 2 дақиқагача давом этган. Натижада бир аёл ҳалок бўлган, 26 киши қаттиқ жароҳат олган. Маълумотларга қараганда, табиий офат «Майкрософт» корпорацияси етакчиси Билл Гейтснинг Сиэтл шаҳридаги навбатдаги анжуман ўтказадиган вақтига тўғри келган. Дунёнинг энг бой-бадавлат одами ҳисобланган Б.Гейтс кучли ер силкинишидан омон қолди, деб хабар беради «Си-Эн-Эн» агентлиги.*



### Милошевич олтин сотган эмиш

*Югославия федерал прокуратураси собиқ президент Слободан Милошевич номига билдирилаётган айбларни ўрганиб чиқишга фармойиш берди. Матбуот хабарларига қараганда, собиқ президент истеъфога чиқишидан олдин Швейцарияга 170 килограммдан ортиқ олтинни сотган эмиш. Ундан тушган маблағ эса Греция ва Кипрдаги банкларга ўтказиб юборилган. Айни пайтда С.Милошевичга қўйилаётган айб унинг ҳибсга олинишига сабаб бўлиши мумкин.*

*Ҳозирги пайтда қишлоқда хўжалик юритишнинг асосий учта шакли қарор топмоқда. Булар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари бўлган қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Хўжалик юритишнинг мана шу шаклларини амалиётга янада кенгроқ жорий этишдан асосий мақсад — қишлоқда аввало чинакам мулкдорларни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборат.*

***Ислом КАРИМОВ.***



*Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги бош директори А. Самадов (ўнгдан чапга), «Шарқ» фермер хўжалиги раиси Х. Жўраев ва «Омонбобо» фермер хўжалиги раҳбари Даврон Бегимқуловлар янги ғалла навининг истиқболлари хусусида суҳбатлашмоқда.*

## Ислоҳот қирралари

# БУЛУНҒУРЛИК ФЕРМЕРЛАР

**– туманимиздаги мавжуд деҳқон ва фермер хўжаликлари тўлалигича шаклланиб, оёққа туриб олишди. Эндиликда уларга саноат билан уйғунлаштирадиган хорижий сармоядорлар, мини технологиялар сув билан ҳаводек зарур, – дейди Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Булунғур туман вакиллиги бош директори Анорбой САМАДОВ.**

***Икки оғиз сўз ушбу уюшма вакиллиги раҳбари Анорбой Самадов тўғрисида. Мутахассислиги агроном. У кўп йиллар бригада бошлиғи, хўжалик раиси, агрофирма раиси ўринбосари ва туман ҳокимлигида бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. 1993 йилдан бошлаб Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги бош директори. "Шуҳрат" медали соҳиби. 1996 йилда хорижлик фермерлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Англия ва Голландия давлатларида бўлиб қайтган.***



*«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деб халқимиз бежизга айтмаган. Буни яхши ҳис қилишган уюшма қошидаги «Таъминотчи» кичик корхонаси жамоаси экиш мавсумига тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.*

*СУРАТДА: мазкур кичик корхона раҳбари Уммат Бегбоев техника тайёргарлигини кўздан кечирмоқда.*

Деярли тўрт томони ҳам виқорли тоғлар, баланд қирлар билан ўралган Булунғур тумани ўзининг нафақат очиқ кўнгил, бағрикенг, меҳнаткаш, танти халқи билан, балки ширин-шакар мевалари, болга тўлган узумзорлари билан ҳам республикамизда донғи кетган. Шу боисдан ҳам Булунғур дейилганда, энг аввало, туманнинг ана шу жиҳатлари киши кўз ўнгида гавдаланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаган ушбу туманда бозор иқтисодиётининг янги тузилмаларини яратиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилдики, улар айни пайтда туман иқтисодиётини белгиловчи асосий устқуртмалардан бирига айланмоқда. Жумладан, бугунги кунда туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисми ана шу тузилмалар ҳиссасига тўғри келмоқда. Айниқса, бунда туман деҳқон ва фермер хўжаликларининг улуши тобора ортиб бормоқда. Агар бу борада бундан беш-олти йиллар аввалги аҳволга назар соладиган бўлсак, бор-йўғи 120 та деҳқон хўжалиги билан иш бошлаган уюшма айни пайтга келиб ўзининг атрофига 900 га яқин фермерни жипслаштириб, фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили об-ҳавонинг бирмунча ноқулай келиши ва сув танқислигига қарамасдан, салкам 9090 гектарлик майдонда деҳқончилик қилишган булунғурлик фермерлар ғалла, картошка, сабзавот, полиз ва боғдорчиликдан юқори ҳосил кўтариб, бир қатор соҳалар бўйича режани ортиғи билан уддалашди. Хусусан, туман хўжаликлари ўтган йили 1745 гектар ерга сабзавот экишиб, унинг ҳар гектаридан ўртача 116 центнердан ҳосил олдилар ҳамда жами 66 миллион сўм, деҳқон ва фермер хўжаликларида эса бор-йўғи 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 200 центнердан ҳосил кўтаришиб, 83 млн. 760 минг сўм атрофида соф фойда кўришга эришилган. Ёки бўлмаса, узумчилик соҳасини оладиган бўлсак, фермерларга ажратилган майдонлар давлат хўжаликлариникига нисбатан бир неча баравар кам бўлишига қарамасдан, боғдорчиликнинг бу туридан ҳам 22 миллион 772 минг сўм соф фойда олишган. Қолган бошқа соҳаларда ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, қаерда хусусий секторга эътибор кучайтирилса, ўша жойда иқтисодий ўнгланиш, мўл-кўлчиликка эришилади.

— Очиғини айтиш лозимки, — дейди туман ҳокими Тўхта Худойназаров, — дастлаб туманга ҳоким бўлиб келган даврларимда баъзи хўжалик раҳбарлари, ҳатто ҳокимликнинг айрим мутасаддилари орасида "Барча ерлар фермерларга тақсимлаб берилаверса, охир-оқибат кимга раҳбарлик қиламиз", деб фикрловчилар ҳам йўқ эмас экан. Айрим йиғилишларда эса "Ҳоким бова фермерларга жудаям эркинлик бериб юбормадингизмикин?", деб киноя қилувчилар ҳам бўлди. Қарасак, вазият оғир. Биз бу масалани вилоят ҳокимлиги билан атрофлича ўрганиб уларни бир жойга йиғиб, "Агар қўлларингдан келса, имконларинг етишса, сизлар ҳам кичик корхона очинг, фермер хўжалиги ташкил қилинг, иш юритаётганларнинг йўлига тўсқинлик қилманг", дея масалани кўндаланг қўйдик. Йўқ, улар бизни тушунишди, шекилли, вазият қисқа вақт ичида ўзгарди. Фермер-тадбиркорлардан тушадиган шикоятлар кескин камайди. Мана, шу гапларга ҳам уч йилдан ошаяпти. Шу вақт мобайнида фермерларнинг туман иқтисодиётига қўшган ҳиссасига назар солиб кўрайлик: 1998 йили **туман бўйича 300 миллион сўм соф фойда олинганини ҳисобга олсак, унинг 225 миллион сўми 2200 гектар ерга эга бўлган фермерлар ҳиссасига тўғри келганлигини кўриш мумкин. Қолган 14300 гектар ердан эса 75 миллион сўм фойда кўрилган. Ўтган йили ҳам олинган 500 миллион сўм фойданинг 400 миллиони 5,5 минг гектар ерда меҳнат қилган фермерлардан, қолган юз миллион сўми эса 11 минг гектардан олинган.** Ана энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг . Шундай катта бир кучга айланаётган фермерларнинг кўкрагидан итариш ёки уларга ёрдам бермаслик мумкинми?

— Энг асосийси, ўтган ана шу вақт ичида фермерларимиз онгида "менинг мулким" деган фикрни тўлалигича шакллантириб олишга эришдик, — дея суҳбатимизни давом эттиради Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги бош директори А. Самадов. – Сабаби, мулк эгасида ана шу фикрни шакллантирмасдан туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, биз бу борада туман ҳокимлиги билан биргаликда ишни, аввало, ана шундан бошладик. Жойларда тушунтириш ишлари олиб бордик, семинарлар ташкил қилдик, уларга бу хусусида тайёрланган тавсияномалар, қўлланмалар тарқатдик. Кўриб турганингиздек, натижа кутилганидан ҳам ортиқроқ самара бермоқда. Эндиликда туманимиздаги қайсики фермер хўжалигига борманг, уларга ажратилган бир қарич ер ҳам бекор ётмаганлигининг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими эса, уларни оёққа турғазиб олиш, етарли ўғит, техника билан таъминлаш борасида уюшмамиз бир зум ҳам қараб тургани йўқ. Чунончи, ўтган йили 400 тоннадан зиёдроқ минерал ўғит тарқатилган бўлса, ўша йилнинг март ойида вилоятда биринчи бўлиб **фермерларга сервис хизмати кўрсатиш "Таъминотчи" кичик корхонасини ташкил этдик. Айни пайтда иккита К-700 русумли ер ҳайдов техникаси ва 9 та Т-28х4 русумли қатор орасига ишлов берадиган ҳамда юк ташийдиган трактор фермерларнинг оғирини енгил қилмоқда. Вакиллигимиз қошидаги ушбу янги ташкил этилган кичик корхона ўтган йили уларга 263400 сўмлик пуллик хизмат кўрсатди.** Агар бу кўрсаткични туман МТП даги аҳволга солиштирадиган бўлсак, вакиллигимиз кичик корхонаси бир неча баравар юқори натижага эришганлигининг гувоҳи бўламиз. Буларнинг барчаси эса вакиллигимизнинг йилни қарийб **3 миллион 300 минг сўм атрофида соф фойда** билан якунлаш имкониятини берди.

Айни пайтда вакиллик томонидан фермерлар иқтисодий аҳволини ўнглаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси уларнинг янада олға кетишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда **вакиллик ҳисоб-рақамидаги 10 миллион сўмлик айланма маблағни фермерларга 36 фоизлик устама фоиз билан бир йил муддатга мини кредит сифатида бериш йўлга қўйилди. Натижада тадбиркорларнинг бир қисми банклардан кредит сўраб боришларига ҳожат қолмади. Чунки уюшмага кредит сўраб мурожаат қилган фермерларнинг ҳисоб рақамига узоғи билан 2-3 соат ичида ҳеч қандай расмиятчиликларсиз у истаган маблағ ўтказиб берилади.** Келгусида эса айланма маблағларимиз ана шу тариқа орта бошлагач, уларга бериладиган кредит фоиз миқдори камайтирилади, қайтариш муддати узайтирилади. Шунингдек, вакиллик қошида мини банк ташкил этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Айни пайтда вакиллик томонидан фермерларга яна бир қулайлик яратиш мақсадида туман темир йўл бекатининг шундоққина ёнидан омбор учун қарийб бир гектарлик ер майдонини сотиб олишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бундан мақсад фермерлар учун зарур бўлган ўғит, уруғлик ва ёнилғи маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда олиб келиб, ортиқча харажатларга барҳам беришдан иборат. Келгусида эса унинг бир қисмидан экспорт омбори сифатида фойдаланишдир. Бундан шуни англаш мумкинки, агар юқоридаги режалар тўлалигича амалга ошса, XXI асрнинг дастлабки йили булунғурлик фермерлар учун юқори чўққига кўтарилиш даври бўлади, дейиш мумкин. Бунинг учун эса асослар етарли. Агар бу борада далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунда фермерларнинг бошқа **маблағларидан ташқари уларнинг омборларида 1,5 минг тонна атрофида уруғлик картошка ва яна шунча миқдорда истеъмол картошкаси ҳамда ўнга яқин турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланмоқдаки, агар буларнинг барчасини пулга чақадиган бўлсак, қарийб 23 миллиард сўм атрофида маблағ бўлади. Бундан ташқари, қайта ишлаш корхоналаридан ҳам 150 миллион сўмдан зиёдроқ дебиторлик қарзлар ундириб олинадиган** бўлса, фермерлар ўзларига нималар қуришлигини ва қандай корхоналарни ишга туширишни яхши билишади. Бунга мисол сифатида Р. Ўтамуродов бошлиқ "Ҳотам хожи" фермер хўжалиги ишига назар солайлик. У ўтган йили мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 287 минг сўмдан даромад қилиб, жами 40 миллион 186 минг сўмлик маҳсулот сотишга эришди. Ҳозирги кунда ушбу фермер хўжалиги ҳудудида германиялик ҳамкорлар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона барпо этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Худди шунингдек, "Сафар-Ботир" фермер хўжалигидаги майдонларнинг ҳар гектаридан 791 минг сўмлик маҳсулот олиниб, жами 55 млн. 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари "Шодлик", "Барака" сингари юзлаб фермер хўжаликларида ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, юқорида қайд этганимиздек, булунғурлик фермерлар ана шу тариқа ривожланиб, юксаклик сари интилмоқдалар. Ўйлаймизки, фермерлардаги бу изланиш, интилиш уларни ислоҳотнинг янги манзиллари сари етаклайди.

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**



*Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай муассасадаги ҳисоб-китоб бўлимларини ишхонанинг асосий қон томири, юраги деб аташ мумкин. Чунки ҳисоб-китоблар қанчалик пухта ва режа асосида юритилса, ўша жойда иш унуми, сифати юқори бўлади. Туман вакиллиги ҳисоб-китоб бўлимида ҳам иш ана шу тартибда ташкил этилган. Буни уюшманинг ўтган вақтлар давомида эришган ютуқлари ҳам тасдиқлаб турибди.*

*СУРАТДА: катта ҳисобчи Ю. Мирзабоев, ҳисобчи О. Содиқов, иқтисодчи М. Абдиев, ҳисобчи Ф. Бўроновлар фермерларнинг ҳисоботларини кўздан кечиришмоқда.*



*Туманда боғдорчиликка ҳам алоҳида эътибор берилади. Бир қатор фермер хўжаликларининг ҳам ўнлаб гектар майдонда боғ-роғлари бор. Жумладан, «Тошпўлат» фермер хўжалиги аъзолари ҳам айни пайтда ўз тасарруфидаги боғ-роғларга ишлов ва шакл беришни бошлаб юбордилар. Хўжалик раҳбари Тошпўлат ака Дурбоев ўғиллари билан биргаликда бир текисда шакл бериб чиқилган боғларини кўриб ҳузур қилади.*



*Одатда деҳқон ерга уруғ қадагач, бир қувонса, у майса бўлиб униб чаққач, унинг қувончига яна бир қувонч қўшилади. «Омад» деҳқон хўжалиги жамоаси ҳам бугунги кунда ана шундай ҳолатни бошдан кечиришмоқда. Сабаби — куз, қиш бўйи қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Мавжуд майдонларга қадалган уруғ бир текисда ундириб олиниб, кўзни яшнатадиган бўлиб қолди.*

*СУРАТДА: ушбу фермер хўжалиги аъзолари.*

## ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН КАСБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ЁЗГИ ДАСТУР САМАРҚАНД, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### 2001 йил 20 май - 8 июн

### ОКЛАХОМА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ ҲОМИЙЛИГИ ОСТИДА

- ***Учта бир ҳафталик машғулот сессиялари Самарқанд шаҳрида олиб борилади.***
- ***Йўлкира, озиқ-овқат ва турар жой харажатлари грант ҳисобидан тўланади.***
- ***Мамлакат миқёсида олиб борилган анкеталар тарқатиш жараёни натижасида 78 иштирокчи танлаб олинади.***
- ***Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан аёллар танлаб олинади.***
- ***Машғулот сессиялари АҚШ ва ўзбекистонлик бизнес соҳасидаги мутахассис аёллар томонидан олиб борилади.***

**_Машғулот мавзулари қуйидагиларни ўз ичига олади:_**

- *бизнесни бошлаш йўллари;*
- *ходимларни бошқариш;*
- *бизнес - режа яратиш;*
- *компьютер ва Интернетда ишлаш сабоқлари;*
- *ўз бизнесини тарғибот қилиш;*
- *бизнес қонунчилиги масалалари;*
- *бизнесда мулоқот;*
- *аёллар саломатлиги ва хавфсизлиги масалалари;*
- *бошқа мавзулар.*

***Семинар иштирокчилари ўзбекистонлик бошқа тадбиркор аёллар билан учрашадилар, бутун республикадан таклиф этилган ишбилармон аёллар билан мулоқотда бўладилар ва Самарқанднинг тарихий обидаларини зиёрат қиладилар.***

**_Мурожаат қилиш тартиби:_**

Расмий анкетани вилоятингиздаги Ишбилармон аёллар уюшмасидан олинг. Анкетани тўлдириб, уни олий ўқув юрти гувоҳномаси ва иш дафтарчангиз нусхалари билан бирга Ишбилармон аёллар уюшмасига 2001 йил 15 мартгача топширинг. Танлаб олинган иштирокчилар рўйхати 2001 йил 1 апрелгача маълум қилинади.

**Иштирокчиларга қўйилган талаблар:**

- ***Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши;***
- ***олий маълумотга эга бўлиши;***
- ***танлаган соҳаси ва эгаллаган лавозимидан қатъи назар, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;***
- ***ушбу дастур жараёнида эгаллаб олган билим ва қобилиятларини ўз атрофидаги бошқа аёллар билан ўртоқлашиш иштиёқига эга бўлиши лозим;***
- ***инглиз тилини билиш шарт эмас.***

**Қўшимча ахборот ёки Интернет орқали анкета тўлдириш учун «http://advertising.okstate.edu/uzbekistan» саҳифасига мурожаат этинг.**

## ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН КАСБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ЁЗГИ ДАСТУР САМАРҚАНД, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### 2001 йил 20 май - 8 июн

### Расмий анкета

**Қуйидаги анкетани тўлдириб, битирган олий ўқув юртингиз гувоҳномаси ва меҳнат дафтарчангиз нусхалари билан бирга вилоятингиздаги *Ишбилармон аёллар уюшмасига топширинг ёки қуйидаги рақамга факс орқали жўнатинг**
**Шаҳбоз Эшпўлатов**
**факс: +(998) (662) 31-22-72**
**Шунингдек, сиз Интернетдаги «http://advertising.okstate.edu/Uzbekistan» саҳифасида ҳам анкетани тўлдиришингиз мумкин.**

*Исмингиз* ______________________
*Турар жой манзили* ______________________
*Шаҳар* __________ *Вилоят* __________ *Индекс* __________
*Тел. (уй)* __________ *Тел. (ишхона)* __________
*Иш жойи манзили* ______________________
*Электрон почта (ихтиёрий)* __________ *Факс* __________
*Туғилган сана ва жой* ______________________
*Ихтиёр этган сессия (бирини белгиланг):*

__________ *20-25 май* __________ *27 май - 1 июн* __________ *3-8 июн*

***Иш тажрибангиз:***

Сўнгги иш жойингиздан бошлаган ҳолда 3 йил мобайнида эгаллаб келган лавозимларингиз ҳақида ҳикоя қилинг.

Ишлаган муддатларингиз ва иш мажбуриятларингиз нимадан иборат бўлганлигини айтиб ўтинг. Ёзиш учун кўпроқ жой керак бўлса, ушбу варақанинг орқа саҳифасидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

***Маълумотингиз:***

Илтимос, эгаллаган маълумотларингиз ҳақида айтиб беринг. Ўқиган фанлар ва илмий даражаларингиз ҳақида маълумот беринг. Ёзиш учун кўпроқ жой керак бўлса, ушбу варақанинг орқа саҳифасидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

***Махсус қобилиятларингиз:***

Сизни яхшироқ бизнес етакчиси қилиши мумкин бўлган махсус қобилиятларингизни санаб ўтинг: компьютерда ишлаш қобилиятингиз, билган чет тилларингиз, ўқиган махсус курсларингиз ва бошқалар ҳақида айтиб ўтинг.

***Мақсадингиз ҳақида баёнот:***

Ушбу дастурда иштирок этмоқчилигингизнинг сабаблари нимадан иборат эканлигини тушунтириб берувчи кичик ҳикоя ёзинг, билим ва қобилиятларингиз, эгаллаган маълумотингиз ва иш тажрибангиз сизни дастурда таълим олишга қандай тайёрлаганини изоҳлаб беринг. Мақсадларингиз, фикрингизча, ушбу дастур қандай қилиб шу мақсадларингизга эришишга кўмаклашишини айтиб беринг.

**_Вилоятлардаги *Ишбилармон аёллар уюшмаларининг манзилгоҳлари:_**

1. **Андижон ш., Шокиров кўчаси, 3-уй, 57-хонадон, Раис — Муҳитдинова С.Ф., тел.: (37422) 24-23-77, 24-53-22.**
2. **Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-1. Раис — Аҳмедова Д.Б., тел.: (36522) 26-07-45.**
3. **Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 219, Директор — Самадова Н., тел.: (37522) 3-44-80.**
4. **Наманган ш., Дўстлик кўчаси, 8, Раис — Абдуҳалимова М.А., тел.: (36922) 4-16-47.**
5. **Урганч ш., Тинчлик» кўчаси, 29-уй, Раис — Жумамуротова К.Ш., тел.: (36222) 4-27-64.**
6. **Нукус ш., Шомуротова кўчаси, 86-уй, 3-қават, Раис — Саекеева А., тел.: (36122) 22-50-46, 22-66-47.**
7. **Самарқанд ш., Гагарин кўчаси, 149, Раис — Жафарова Х.М., тел.: (36622) 22-89-17, сот. 38-49-74.**
8. **Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 64/504, Раис — Ҳамдамова С.У., тел.: (37222) 4-44-72.**
9. **Тошкент вилояти, Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-«А», 713. Раис — Маҳмудова Г.М., тел.: 144-33-41, 144-84-11.**
10. **Сирдарё вилояти, Гулистон ш., 3-микр. Бизнес-марказ, 3-қават, 77-хона, Раис — Мамаева Г.М., тел.: (36722) 25-11-21.**
11. **Фарғона вилояти, Фарғона ш., Қосимов кўчаси, 58-уй, 25-хонадон, Раис - Салмонова М.Н., тел.: (37322) 24-53-11.**
12. **Навоий ш., Ғалаба кўчаси, 14-12-21, Раис — Юрикова Л.И., тел.: (43622) 4-50-66.**
13. **Кўқон ш., М.Хўжаев кўчаси, 73. Раис — Эргашева С.М., тел.: (37355) 3-25-82.**
14. **Термиз ш., Ф.Хўжаев кўчаси, 15,5-м-н, 8-уй, 13-хонадон, Раис — Ёдгорова М.И., тел.: (37622) 5-07-08.**

3799

### Баҳор илҳомлари

## Ёрлар

*Васл айёмида дилдан*
*роз этурлар ёрлар,*
*Беҳисоб ғамлар юкини*
*оз этурлар ёрлар.*
*Ишқ аро меҳр-вафо ҳам*
*хуш фазилат жо агар,*
*Сизга юзминг лутф ила*
*эъзоз этурлар ёрлар.*
*Сиз агар меҳр оташида*
*шам бўлибон ёнсангиз,*
*Чун хумо сиймосида*
*парвоз этурлар ёрлар.*
*Гоҳ араз, гоҳи ғараз, гоҳида*
*ҳижрон келтириб,*
*Меҳрини айлаб намойиш*
*ноз этурлар ёрлар.*
*Севгидан бегонага, Яҳё,*
*севинч бегонадир.*
*Ишқ аро мумтоз наволар*
*соз этурлар ёрлар.*

**Ҳайдар ЯҲЁ.**

## Аёл

*Фикри ёдим тортар, чулғайди хаёл,*
*Мунису Мукаррам ўзингсан аёл!*
*Тоғдайин суянчиқ, ҳам жуфти ҳалол,*
*Вафодор, елкадош ўзингсан, аёл!*
*Зукколикда Темир ақлин этган лол,*
*Донишу тадбиркор ўзингсан аёл!*
*Ёғийлар қаддини эта олган дол,*
*Юртига фидойи ўзингсан аёл!*
*Шерозий куйлаган ой юз, қора хол,*
*Қамарни доғ этган ўзингсан аёл!*
*Барчага баробар тилаган иқбол,*
*Оқ кўнгил, соддадил ўзингсан аёл!*
*Меҳрингдан топмишлар даҳолар камол*
*Фарзандлар илоҳи ўзингсан аёл!*
*Бу дунё не учун билмайди завол,*
*Оламни асровчи ўзингсан аёл!*

**Шукур ДАДАШ.**



*Ассалом, БАҲОР!*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.**

### Э Ъ Л О Н

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси фондларининг бошқа бинога кўчирилиши муносабати билан китобхонларга хизмат кўрсатиш кўлами шу йил 1 мартдан бошлаб вақтинча чекланади.***

## ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

### "ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР"

***йилига бағишлаб қуйидаги йўналишлар бўйича ташаббускор лойиҳалар***

### ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Тошкент шаҳрининг эски қисмида жамоатчилик фаоллиги билан боғлиқ масалалар бўйича ижтимоий тадқиқотлар;
2. Аёллар саломатлиги, аёллар орасида камқонлик, кўкрак раки касалликларининг олдини олиш;
3. Балоғат ёшидаги қизларни ўқитиш;
4. Аёллар ва оммавий ахборот воситалари, аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш (16 кун давомида). Икки ва ундан ортиқ нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг қўшма лойиҳалари рағбатлантирилади.

**Танлов мақсади:** Аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек аёллар муаммолари ва замонавий жамиятда аёлнинг роли мавзуларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилишини таъминлаш.

**Танловда** ноҳукумат-нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, тиббий нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.

**1, 2 ВА 3-МАВЗУЛАР БЎЙИЧА АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ**
**2001 йил 15 апрел соат 18.00гача.**
**4-МАВЗУ БЎЙИЧА ЭСА 2001 йил 12 март соат 18.00гача.**
**Ариза ва ҳужжатларни топшириш қоидалари бўйича Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармасига мурожаат этишингиз мумкин.**

**Манзил: 700031, Тошкент ш., Зарбоғ кўчаси, 31-уй.**
**Телефонлар: (371)152-36-98, 152-39-15, 152-39-16. Факс: (371)120-68-54**

**Маълумотлар учун қуйидаги шахсларга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Элеонора Файзуллаева – Аёллар дастури мувофиқлаштирувчиси**
**E-mail: eleonora@osi.uz,**
**Феруза Ашматова – Аёллар дастури ассистенти E-mail: feruza@osi.uz.**

### Жумбоқ

Юзаси 12 ёнғоқ мағзи билан безатилган ушбу тортни сизга совға қилишди. Сиз уни уч нафар ўртоғингиз билан баҳам кўришингиз керак. Шарти шуки, тўртга тенг бўлинган торт бўлаги устида 3 та ёнғоқ мағзи бўлсин. Буни уддалай оласизми?



**Кечаги жумбоқнинг жавоби:**

***Бу ерда ҳар бир спортчининг рақами ўнг томонидаги шеригининг рақамига нисбатан 43 та кам.***

***Бу ҳақда тошкентлик Адолатхон Абдуллаева 136-35-60 телефони орқали маълум қилди.***



«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси «Сантехника жиҳозлари заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг раиси Баҳром Алимовга отаси

**Обид АЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси вазирликнинг бўлим бошлиғи Аббос Набихўжаевга падари бузруквори

**АБДУПАТТОҲ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2215. 32643 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Остонақулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 20.25 1 2 3 4 5 6